АЗАМАТ ПАХТАКОРЛАР,

ВАҚТ ҒАНИМАТ. ҒАЙРАТ-ШИЖОАТ КЎРСАТАЙЛИК. МАРРАГА ТЕЗРОҚ ЕТИШ УЧУН КУРАШАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

№ 199 (5548).

10 ОКТЯБРЬ ЖУМА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КАЛИНИН РАЙОН ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ КАТТА ЗАФАРИ

Областимизнинг энг йирик сабзавоткор районларидан бири бўлган Калинин райони қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари катта зафар қучдилар. Давлатга деҳқончилик маҳсулотлари сотиш халқ хўжалиги плани ошириб бажарилди. Халқимизга 109 минг ўрнига 110 минг тоннадан знёд сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Шу кунгача районда тайёрланган картошка ҳосили 16,5 минг тоннадан ошиб кетди. Сабзавотнинг ҳамма турлари бўйича план топшириқлари ошириб адо этилди.

—Районимиз миришкор деҳқонларининг бу меҳнат зафарига мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш халқ хўжалик планларини аллақачонлар муваффақиятли бажариб қўйган Навоий, Куйбишев, Собир Раҳимов, Ленин номли, Охунбобоев номли, «Ленин йўли» колхозлари, «Москва», «Партия XX съезди», «Бўзсув», «Назарбек» ва «Партия XXI съезди» совхозлари катта ҳисса қўшдилар,—дейди мухбиримиз билан суҳбатда район партия комитетининг биринчи секретари Раҳматулла Қамбаров.— Районимиз илғор хўжаликлари шу кунларда 1976 йил халқ хўжалик планларини ҳам муваффақиятли ўринлаб, 1977 йил ҳисобига мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб бермоқдалар.

Район хўжаликлари далаларида ҳали ҳосил сероб. Район меҳнаткашлари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, давлатга яна 130 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан янги оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. Олийҳиммат деҳқонлар бу юксак мажбуриятни 1 ноябргача ошириб бажариш ниятидалар. Ҳар куни шаҳарликлар дастурхонига 1500 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жўнатилиб турилганлиги миришкорлар ваъдасининг чинлигидан далолат бериб турибди.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Янгийўл райони пахтакорлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар давлатга пахта сотиш юзасидан тўққизинчи беш йиллик планини шараф билан адо этдилар. Ватан янгийўллик пахтакорлардан 165 минг 345 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди.

Районнинг «оқ олтин» хирмонига «Коммунизм» ва «Ленинизм» колхозларининг пахтакорлари айниқса катта ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда пахта тайёрлаш тўққизинчи беш йиллик плани ўтган йилнёқ, яъни тўрт йилда бажарилган эди. Райондаги Жданов номли, Ленин номли, Назараля Ниёзов номли ва «Интернационал» колхозларининг пахтакорлари ҳам давлатга ўнинчи беш йиллик ҳисобига пахта сотишни бошлаб юбордилар.

Саккизинчи беш йилликнинг сўнгги йили —1970 йилда районда ҳар гектар ердан 27,1 центнердан «оқ олтин» етиштирилиб, давлатга 36 минг 450 тонна пахта сотилган бўлса, ўтган йили ҳар гектардан 34,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди ва ялпи пахта ҳосили 40 минг 66 тоннага етказилди. Яъни тўққизинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига ўртача 7,2 центнерга кўпайди, ялпи ҳосил эса 3617 тоннага ортди.

Район меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини юксалтириш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Давлатга дон, гўшт, жун, сабзавот маҳсулотлари, ялпи сотиш тўққизинчи беш йиллик планлари анча ошириб бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қароридан руҳланган район пахтакорлари якунловчи йилда гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» етиштириш ва давлатга 42 минг 500 тонна пахта сотиш мажбуриятини олганлар.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.
Э. ЭРНАЗАРОВ.

БЎКА районидаги Тимирязев номли колхоз пахтакорлари 1050 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш, жами ҳосилнинг 90 процентини машина билан териш учун курашиб дала ишларини уюшқоқлик билан жадал давом этдирмоқдалар. Ҳозир далаларда 18 та терим машинаси жавлон урляпти. Улар ёрдамида ҳар куни 5 процентдан ошириб пахта терилмоқда. Суратда: (чапдан) кунига 30—35 тонна пахта ортаётган кранчи Мадад Зоҳидов, ўртада далада терим пайти. (ўнгда) илғор механизаторлардан Саттор Мелиев ва Абдиқосим Тўқлиев. Улар ўзаро мусобақалашиб кунига 6—7 тоннадан пахта тершяпти.

Ж. Тўраев фотоси.

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЮБИЛЕЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

СССР Фанлар Академиясининг 250 йиллик юбилейи муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати 8 октябрь куни Кремлнинг Съездлар саройида қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, таниқли совет олимлари, жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари, юбилей тантаналорида қатнашаётган чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида ўртоқ А. Н. Косигин нутқ сўзлади. У совет олимларини ва чет эллик меҳмонларни табриклади.

Олимларнинг роли ҳақида, фаннинг жамият ҳаётидаги ва истиқбол планларимиздаги аҳамияти тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев Фанлар академиясининг юбилей сессиясида сўзлаган нутқида ёркин ва чуқур маъноли гаплар айтганлигини А. Н. Косигин таъкидлаб ўтди.

Фан билан практиканы самарали равишда бирга қўшилаётганлигини биз Коммунистик партиямизнинг кўп қиррали фаолиятида кўриб турибмиз ва унинг сафларидаги коммунист олимларнинг катта отряди бунга ёрдам бермоқда, деди сўнгра А. Н. Косигин. Партия ўзининг бутун фаолиятида фанга таянмоқда, олимлар билан доимо маслаҳатлашмоқда, буни турмушнинг ҳамма соҳаларидаги жадал ривожимизнинг энг муҳим шартларидан бири деб билмоқда.

КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, деди А. Н. Косигин, ишонч билдириб айтадиларки, совет олимлари ўзларининг халқ олдидаги бурчларини шараф билан бажарадилар, фаннинг мамлакат ҳаётидаги ролини, ривожимизнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишдаги ролини янада юқори кўтарадилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти вазифасини ижро этувчи академик В. А. Котельников ўзининг жавоб нутқида совет фанини ривожлантириш тўғрисида кун сайин қилинаётган ғамхўрлик учун, СССР Фанлар академиясининг фаолиятига берилган юксак баҳо учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилик изҳор этди. Совет олимлари партия билан халқнинг юксак ишончига муносиб бўлиш учун бутун куч, билим ва қобилиятларини ишга соладилар, мамлакатимиздаги коммунистик қурилишга фидокорона меҳнатлари билан кўмаклашадилар, деб ишонтирди у.

(ТАСС).

ЯНА 950 ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ

Колхозимиз пахтакорлари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида КПСС XXV съезддоли социалистик мусобақани кучайтириб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Пахта йиғим-терими зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

285 колхозчи, 17 та пахта териш машинасини бошқараётган механик-ҳайдовчилар астойдил меҳнат қилиб, пахта теримини тез суръатлар билан бошлаб юбордилар. Колхозимиз йиллик халқ хўжалик планини муддатидан анча илгари бажарди, районимизда иккинчи бўлиб биринчи давондан ошди.

Ҳаким Саидғозиев, Муродхон Маликов, Ҳикматилла Қудратиллаев бошлиқ бригада аъзолари планни бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Ҳозиргача давлат омборларига 2420 тоннадан знёд биринчи сорт пахта топширилди. Энди давлатга топширилаётган ҳар тонна пахтамизга бир ярим барсбардан ҳақ олинади. Ҳали далаларимизда ҳосил сероб. Биз барча колхозчилар, бригада бошлиқлари маслаҳатлашиб, гектаридан олинадиган ҳосилни 40 центнерга етказиб, яна 950 тонна пахта териб топширишга қарор қилдик.

Фидокор колхозчиларимиз, азамат механизаторларимиз бу мажбуриятни ҳам шараф билан бажарадилар.

Умринисо ҲАСАНОВА,
Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз раиси.

ДОН ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ЎРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 9 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

[Экин майдонига нисбатан процент ҳисобида].

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан берн.

Оққўрғон	7,0	100,0
Юқори Чирчиқ	1,0	100,0
Пискент	—	100,0
Янгийўл	—	100 0
Бўка	1,2	92,4
Қуйи Чирчиқ	3,0	81,2
Ўрта Чирчиқ	3,8	79,6
Бекобод	6,5	66,8
Область бўйича	3,8	82,4

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК

РЕСПУБЛИКАДАГИ қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, катта муваффақиятларга эришдилар.

Моддий-техника ресурслари ва одам ресурслари энг муҳим ва ишга туширилаётган қурилишларга тўпланганлиги туфайли қурилиш суръати ва сифати анча ошди. Бир қанча йирик корхона ва цехлар ишга туширилди. Булар орасида «Ташсельмаш» заводининг 8-8а корпуси, Сергели поселкасидаги ғўзапоядан қурилиш плиталари ишлаб чиқарувчи завод, Жомбойдаги енгиллаштирилган конструкциялар цехи, Жиззахдаги керамзит заводи, Жарқўрғондаги ёғочсозлик заводи, Андижон шаҳридаги бадиий буюмлар фабрикаси, Олмаликдаги нон заводи ва бошқа корхоналар бор, шунингдек Тошкентдаги бинокорлик материаллари комбинатининг, Қўқондаги данакли уруғларни қайта ишлайдиган заводнинг қувватлари оширилди.

Республика қурувчилари ва монтажчилари тўққиз ой мобайнида ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 8 процент кўп капитал маблағ ўзлаштирдилар ва қурилиш — монтаж ишларини 8 процент кўп бажардилар. Министрликлар ва идоралар пудрат қурилиш — монтаж ишларининг тўққиз ойлик планини қуйидагича бажардилар:

[БИРИНЧИ УСТУН — январь — сентябрь ойларида планнинг бажарилиши процент ҳисобида, ИККИНЧИ УСТУН — сентябрь ойида планнинг бажарилиши процент ҳисобида, УЧИНЧИ УСТУН — шу йилнинг январь-сентябрь ойларида планнинг бажарилиши ўтган йил шу давридагига нисбатан процент ҳисобида].

Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги	100,7	102,0	103,0
Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	100,0	100,0	106,0
Узбекистон ССР Махсус қурилиш ва монтаж ишлари министрлиги	104,0	104,0	103,0
Главташкентстрой	102,0	102,0	100,2
Узколхозстрой	102,0	102,0	112,0
Узбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	102,0	104,0	121,0
Узглавводстрой	103,0	101,0	113,0
Узбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва фойдаланиш министрлиги	104,0	100,4	**104,0**
Главсредазирсовхозстрой (Узбекистон ССР территориясида)	101,0	107,0	113,0

Шу билан бирга айрим қурилиш коллективлари ўз социалистик мажбуриятларини бажариш учун ҳали ҳам кунт билан кураш олиб бормаётирлар, бу мажбуриятларни тўлиқ бажармаяптилар, баъзи коллективлар эса давлат планларини бажармаяптилар.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективларининг вазифаси учинчи кварталда ишга туширилмаган объектларнинг октябрь ойида сўзсиз ишга туширилишини таъминлашдан, қурилишни муваффақиятли тугаллаш ва тўртинчи кварталда объектларни фойдаланишга топириш учун барча шарт-шароитларни яратишдан, капитал қурилиш учун ажратилган маблағларнинг тўла тўкис ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат.

Тўртинчи кварталдаги тиғиз план топшириқларини бажариш—ғоят муҳим вазифадир. Бу вазифани фидокорона, зарбдор меҳнат билан, дадил новаторлик изланиши, иқтисод қилиш ва тежамкорлик, доимо илғорлар ва новаторларга тенглашиш йўли билан ҳал қилиш мумкин.

Хўжалик раҳбарлари қурилиш, монтаж ташкилотларини ва корхоналарни қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш қандай бораётганлигини алоҳида назорат остига олишлари, белгиланган ҳамма тадбирларни кўрсатилган муддатларда бажаришлари юзасидан барча чораларни қўллашлари лозим.

Буюртмачи министрлик ва идоралар ишга туширилаётган қурилишларни ходимлар, машина-ускуналар, махсус материаллар билан таъминлашни жадаллаштириш юзасидан барча чораларни кўришлари керак.

Партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг вазифаси шуки, улар йилнинг якунловчи босқичида 1975 йилги планда кўзда тутилган барча объектларни ўз вақтида фойдаланишга топириш учун съезд олди социалистик мусобақасининг сафарбар этувчилик ролини бутун чоралар билан оширишлари лозим.

Қурувчилар тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида зарбдорларча меҳнат қилсинлар!

430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 9 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан берн.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ	2,48	102,85	2,42	111,32
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	4,83	102,01	4,84	111,60
Янгийўл	3,34	80,06	5,37	59,49
Оққўрғон	3,16	75,08	3,46	73,20
Ўрта Чирчиқ	3,00	73,70	3,65	81,90
Бўка	3,51	72,50	3,83	67,41
Бекобод	3,30	72,49	4,01	69,16
Пискент	3,51	71,87	3,48	66,49
Чиноз	4,03	67,32	4,11	56,93
Область бўйича	3,35	78,09	3,76	78,01

САБЗАВОТ МЎЛ

КАЛИНИН районидаги Навоий номли колхозда кечки карам узишга киришилди. Бу ерда йирик ва қаттиқ карам пишиб етишди — ҳар бир бош карам 4—5 килограммдан кам эмас. Хўжалик деярли бутун йил бўйи карам етиштирмоқда. Бу ерда эртаги карамдан гектар бошига 44 тонна ҳосил олинди.

— Мўл сабзавот ҳосили етиштиришга бизга қўшни «Ленин йўли» колхозидаги ўртоқлар ёрдам беришди, — дейди правление раиси Нодир Бойму-ҳамедов. — Биз уларнинг маслаҳатига қулоқ солиб экишга пухта ҳозирлик кўрдик, гектар бошига 20 тонна гўнг солдик, бир марта кўп культивация ўтказдик ва бегона ўтлардан тозаладик. Қўшнилар тажрибасидан ибрат олиб сабзавотнинг серҳосил навларини танладик. Шу туфайли А. Абдулазимов бригадаси «Узбекистон-740» навли бодирингдан планда белгиланганига нисбатан уч баравар кўп ҳосил олди. И. Тожибоев бригадаси далаларида яхши карам ҳосили битди. «Ранний-1» нави пландагидан икки баравардан ортиқ карам ҳосили берди. Редиска, сабзи, пиёз, помидор ҳосили ҳам чакки бўлмади.

Колхоз сабзавоткорлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, Ватанга етти ярим минг тонна — аввалги мажбуриятда кўзда тутилганидан минг тонна кўп маҳсулот беришга бел боғладилар. (ЎзТАГ).

РАҲБАР КАДРЛАРНИ МАРКСЧА—ЛЕНИНЧА ТАРБИЯЛАЙЛИК

9 октябрь куни Тошкентда раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқиши масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгашда Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг масъул ходимлари ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, Тошкент шаҳридаги ва Ўзбекистон областларидаги фан, маданият, муассасаларининг, жамоат ташкилотларининг ходимлари, партия ва хўжалик раҳбарлари иштирок этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари В. А. Медведев кенгашни очди.

«КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида шаҳар партия комитетининг ташкилий ва сиёсий ишлари» ҳақида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев доклад қилди.

Кенгашда Минск область партия комитетининг секретари Р. П. Платонов, Ашхобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. К. Шабасанов, Фрунзе шаҳар партия комитетининг секретари Н. Н. Никитина, Душанбе шаҳар партия комитетининг секретари Д. С. Победимский, Вильнюс шаҳар партия комитетининг секретари В. И. Кояла, Новосибирск шаҳар партия комитетининг секретари И. Ф. Циплаков, Олмаота шаҳар партия комитетининг секретари И. Б. Болтагулов, Тбилиси шаҳар партия комитетининг секретари Н. В. Гургенидзе, Кишинев шаҳар партия комитетининг секретари В. Д. Даниленко сўзга чиқдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг инструктори А. Н. Аверьянов иштирок этмоқдалар.

Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

БОСМАДАН ЧИҚДИ

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТАЖРИБАСИ УМУМЛАШТИРИЛДИ

«Ўзбекистон» нашриёти «Раҳбар кадрлар билан олиб борилаётган идеология иши тажрибасидан» китобини нашр этди. Китобда КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида Ўзбекистон пойтахти партия ташкилотларининг иши тўғрисида ҳикоя қилинади.

(ЎзТАГ).

В. П. ЧКАЛОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Атоқли совет учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Валерий Павлович Чкаловга ўрнатилган ҳайкални очишга бағишлаб 8 октябрда бўлиб ўтган митингда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг минглаб ишчи ва хизматчилари иштирок этдилар.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар корхона коллективи дэнг чиқарган совет авиаторининг хотирасини ҳурмат билан эслаётганлиги, ҳамиша олдинда боришдек чкаловчиларнинг ажойиб анъаналарини авайлаб сақлаётганлиги ҳақида гапирдилар.

Меҳнат коллективининг вакиллари ана шу анъаналарни кун сайин қўлайтиришга, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада янгиданянги муваффақиятларга эришишга аҳд қилганликларини айтдилар.

Маслис аҳли самимий кутиб олган В. П. Чкаловнинг ўғли Игорь Валерьевич Чкалов митингда сўзга чиқди.

Корхона ветеранларига, Валерий Павлович билан бирга меҳнат қилган кишиларга ҳайкални очиш фахрий ҳуқуқи берилди. Лента қирқилади, атоқли учувчининг бронза фигураси намоён бўлади.

Митинг тугади. Бирлашманинг қўли гул усталари яратган ҳайкал супасига гуллар қўйилади.

Монументни очиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

РАҲБАР КАДРЛАР МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ҮҚУВИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН БУТУН-ИТТИФОҚ КЕНГАШИГА

КАДРЛАРИМИЗ БИЛИМДОН БЎЛСИН

КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарори якунловчи йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун курашаётган совхозимиз меҳнаткашларини янги зафарлар сари илҳомлантириб юборди.

Совхоз партия комитети, совхоз ишчилар комитети съезд шарафига ўтказиладиган социалистик мусобақа ҳосил олиш учун бел боғладилар. Уларнинг бу ташаббусига Мустафо Чачи номли бўлим қўшилди. Гектаридан илгариги мажбуриятдаги 45 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил етиштириб, съездни муносиб кутиб олишга аҳд қилинди. Навоий номли бўлимдан моҳир механизаторлар Икром Азизхўжаев, Искандар Калафатлар съезд шарафига илгариги мажбуриятларига қўшимча равишда 50 тоннадан пахта териб беришга сўз беришди. Усмон Юсупов номли бўлимдаги Э. Ўролов, Ҳ. Избосаров, Н. Охунжоновлар бошлиқ бригадалар эса ҳосилдорликни яна 5 центнердан оширишга қарор қилишди.

Шундай қилиб, совхозимиз бўйича ҳосилдорлик бу йил гектар бошига 45 центнерга етказилади. Она-Ватанга 17400 тонна «оқ олтин» армуғон этилади.

Совхоз партия комитети олинган қўшимча мажбуриятлар асосида тўқкизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш ва КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқди. Бўлимлар, бригадалар, звенолар ўртасидаги социалистик мусобақани янада кучайтириш, мусобақада коллективнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш учун аниқ режалар белгиланди.

Совхозимиз меҳнаткашлари эрта баҳордан бери бир-бирлари билан ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар.

Ульянов номли бўлим «Дўстлик» бўлими билан, Мустафо Чачи номли бўлим Усмон Юсупов номли бўлим билан, Навоий номли бўлим эса «Тинчлик» бўлими билан мусобақалашиб ишлаяптилар. Совхоз дирекцияси, партия комитети ва ишчилар комитети эрта баҳордан мусобақа шартларини эълон қилиб қўйган эди. Мусобақа якунлари совхоз дирекцияси, партия комитети ва ишчилар комитетининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинади. Мусобақа шартларини тўла бажариб, дала ишларини намунали уюштирганлиги, оз маблағ сарфлаб, юқори натижага эришаётганлиги учун биринчи ўрин Ульянов номли коллективга берилди. Бўлим аҳли совхоз дирекцияси, партия комитети ва ишчилар комитетининг кўчма Қизил байроғи ва 200 сўм пул мукофоти билан тақдирланди. М. Чачи номли ва «Тинчлик» бўлимлари иккинчи ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, илғор механизаторлар, сувчилар учун ҳам мукофотлар белгиланган эди. Илғор сувчиларга 25 сўмдан, илғор механизатор, звено бошлиқларига эса ойлик иш ҳақининг 100 проценти миқдорида мукофот берилди. Бўлим бошқарувчилари, механикларга ҳам худди ана шундай рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди. Шунингдек, мусобақа ғолиблари маънавий жиҳатдан ҳам рағбатлантирилмоқда. Деворий газеталарда, жанговар варақаларда уларнинг номлари тилга олиниб, намуна қилиб кўрсатиляпти. Дам олиш уйларига, санаторийларга курортларга бепул путёвка берилмоқда.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам илғор бўлим ва бригадаларга бериш учун совхоз дирекцияси, партия комитети ва ишчилар комитетининг кўчма Қизил байроғи таъсис этилди. Байроқ билан бирга пул мукофоти ҳам берилади.

Совхозимизда партия ташкилоти маъқуллаган ва коммунистлар томонидан қўллаб-қувватланган ибратли ташаббуслар кенг қанот ёймоқда. Масалан, СССР Олий Совети депутати, Ульянов номли бўлимнинг звено бошлиғи Энвер Алиев ва унинг коллективи бошлаган 50 центнерчилик ҳаракати айниқса қулоч ёзди. КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қароридан кейин хўжалигимизда 50 центнерчилар сафи янада кенгайди. Мустафо Чачи номли бутун бир бўлим, Усмон Юсупов номли бўлимдаги ўртоқ Сайфиддин Саидазимов бошлиқ бригада ва қатор бошқа звенолар коллективлари шулар жумласидандир.

Совхозда оммавий-сиёсий тушунтириш ишлари кучайтириб юборилди. Сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар бўлимлар, бригада ва звеноларда, фермада съезд шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришнинг аҳамиятини ,илғор тажрибаларни пропаганда қилмоқдалар. Социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишнинг янги форма ва методларидан фойдаланиляпти.

Масалан, ўтган йили пахта териш мавсумида машъал механик-ҳайдовчилар КПСС XXIV съезди делегати Абдусаттор Сулаймонов, СССР Олий Советининг депутати Энвер Алиев ва бошқа моҳир пахта усталарининг иш тажрибаси кенг пропаганда қилинди. Натижада бу йил 150—200 тоннадан зиёд «оқ олтин»ни «зангори кема»ларда териб олишга аҳд қилган механик-ҳайдовчиларнинг сони 20 кишидан ошиб кетди. Т. Эрназаров, У. Акбаров, А. Эбасан, М. Бегалиев, С. Пашев, Г. Бегматов каби кўплаб механизаторлар шулар жумласидандир. Улар ўртасида алоҳида социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган. Мавсум давомида икки қаторли машинада 150 тоннадан ошириб пахта терган механизаторга 200 сўм, 150 тонна «оқ олтин»ни «зангори кема» бункеридан ағдарган пешқадамларга 150 сўм, 120 тоннадан ошириб пахта терган механизаторларга эса 100 сўм пул мукофоти берилади. Олти қаторли машинада юқори натижага эришган механик-ҳайдовчиларга ҳам алоҳида вимпел ва мукофотлар берилади.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, Совет халқига Мурожаати ҳамда республикамиз партия ва ҳукуматининг республикамиздаги барча коммунист ва комсомолларга, қишлоқ мутахассисларига ва барча меҳнаткашларига қарата қилган мурожаати хўжалигимиз меҳнаткашларининг дастурамали бўлиб қолмоқда. Совхозимизда бу йил маккажўхори дони, силос бостириш, даала ҳашак жамғариш, сенаж бостириш планлари ошириб бажарилди.

Далаларимизда теримни тез ва сифатли ўтказиш учун кураш кун сайин қизғин тус олмоқда.

Совхозимиздаги 191 нафар коммунист ва кўп сонли комсомол ёшларимиз, барча меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетининг илҳомбахш даъватига жавобан партиямизнинг улуғ анжуманини ёруғ юз билан кутиб олиш ниятида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ҳалима ҒОФУРОВА,
Қўйи Чирчиқ районидаги Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози партия комитетининг секретари, район партия комитетининг бюро аъзоси.

СИЁСИЙ МАОРИФ УЙИДА ВИСТАВКА

Тошкентдаги Сиёсий маориф уйида «КПСС XXV съезди олдидан» мавзуида китоб-суврат виставкаси очилди. Унда совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи сифатида КПССнинг ошиб бораётган роли тўғрисида, ҳозирги босқичда партиянинг иқтисодий сиёсати ҳақида, КПССнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти тўғрисида адабиётлар бор.

Экспозицияга В. И. Ленининг партия ҳаёти нормалари ва партиявий раҳбарлик принциплари тўғрисидаги, социалистик мусобақа ҳақидаги асарлари, КПСС Марказий Комитетининг 1975 йил апрель Пленумининг материаллари, Л. И. Брежневнинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга оид, партия қурилишининг актуал проблемаларига доир мақола ва нутқларининг тўпламлари қўйилган.

Меҳнат коллективларининг партия XXV съездини муносиб кутиб олиш учун бошлаган социалистик мусобақасига оид материалларга бағишланган алоҳида бўлим ҳам бор.

(ЎзТАГ).

ОММАВИЙ—СИЁСИЙ ИШЛАР ВА САМАРАДОРЛИК

шартларини атрофлича қараб чиқди, уни янада такомиллаштириш ва конкретлаштириш тадбирларини белгилади. Барча бўлимлардаги цех партия ташкилотларида очиқ партия мажлиси бўлиб ўтди. Бўлим, бригада ва звено коллективлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни қайта кўриб, жонажон партиямизнинг бўлажак съезди шарафига қўшимча мажбурият қабул қилдилар.

Масалан, Ульянов номли бўлим меҳнаткашлари ҳар гектар пахта майдонидан 45 центнер «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилган эдилар. Энди ўз имкониятларини қайта чамалаб, гектаридан 47 центнердан ҳосил олиш учун бел боғладилар. Уларнинг бу ташаббусига Мустафо Чачи номли бўлим қўшилди. Гектаридан илгариги мажбуриятдаги 45 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил етиштириб, съездни муносиб кутиб олишга аҳд қилинди. Навоий номли бўлимдан моҳир механизаторлар Икром Азизхўжаев, Искандар Калафатлар съезд шарафига илгариги мажбуриятларига қўшимча равишда 50 тоннадан пахта териб беришга сўз беришди. Усмон Юсупов номли бўлимдаги Э. Ўролов, Ҳ. Избосаров, Н. Охунжоновлар бошлиқ бригадалар эса ҳосилдорликни яна 5 центнердан оширишга қарор қилишди.

Шундай қилиб, совхозимиз бўйича ҳосилдорлик бу йил гектар бошига 45 центнерга етказилади. Она-Ватанга 17400 тонна «оқ олтин» армуғон этилади.

Совхоз партия комитети олинган қўшимча мажбуриятлар асосида тўқкизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш ва КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқди. Бўлимлар, бригадалар, звенолар ўртасидаги социалистик мусобақани янада кучайтириш, мусобақада коллективнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш учун аниқ режалар белгиланди.

Совхозимиз меҳнаткашлари эрта баҳордан бери бир-бирлари билан ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар.

Ульянов номли бўлим «Дўстлик» бўлими билан, Мустафо Чачи номли бўлим Усмон Юсупов номли бўлим билан, Навоий номли бўлим эса «Тинчлик» бўлими билан мусобақалашиб ишлаяптилар. Совхоз дирекцияси, партия комитети ва ишчилар комитети эрта баҳордан мусобақа шартларини эълон қилиб қўйган эди. Мусобақа якунлари совхоз дирекцияси, партия комитети ва ишчилар комитетининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинади. Мусобақа шартларини тўла бажариб, дала ишларини намунали уюштирганлиги, оз маблағ сарфлаб, юқори натижага эришаётганлиги учун биринчи ўрин Ульянов номли коллективга берилди. Бўлим аҳли совхоз дирекцияси, партия комитети ва ишчилар комитетининг кўчма Қизил байроғи ва 200 сўм пул мукофоти билан тақдирланди. М. Чачи номли ва «Тинчлик» бўлимлари иккинчи ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, илғор механизаторлар, сувчилар учун ҳам мукофотлар белгиланган эди. Илғор сувчиларга 25 сўмдан, илғор механизатор, звено бошлиқларига эса ойлик иш ҳақининг 100 проценти миқдорида мукофот берилди. Бўлим бошқарувчилари, механикларга ҳам худди ана шундай рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди. Шунингдек, мусобақа ғолиблари маънавий жиҳатдан ҳам рағбатлантирилмоқда. Деворий газеталарда, жанговар варақаларда уларнинг номлари тилга олиниб, намуна қилиб кўрсатиляпти. Дам олиш уйларига, санаторийларга курортларга бепул путёвка берилмоқда.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам илғор бўлим ва бригадаларга бериш учун совхоз дирекцияси, партия комитети ва ишчилар комитетининг кўчма Қизил байроғи таъсис этилди. Байроқ билан бирга пул мукофоти ҳам берилади.

Совхозимизда партия ташкилоти маъқуллаган ва коммунистлар томонидан қўллаб-қувватланган ибратли ташаббуслар кенг қанот ёймоқда. Масалан, СССР Олий Совети депутати, Ульянов номли бўлимнинг звено бошлиғи Энвер Алиев ва унинг коллективи бошлаган 50 центнерчилик ҳаракати айниқса қулоч ёзди. КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қароридан кейин хўжалигимизда 50 центнерчилар сафи янада кенгайди. Мустафо Чачи номли бутун бир бўлим, Усмон Юсупов номли бўлимдаги ўртоқ Сайфиддин Саидазимов бошлиқ бригада ва қатор бошқа звенолар коллективлари шулар жумласидандир.

Совхозда оммавий-сиёсий тушунтириш ишлари кучайтириб юборилди. Сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар бўлимлар, бригада ва звеноларда, фермада съезд шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришнинг аҳамиятини ,илғор тажрибаларни пропаганда қилмоқдалар. Социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишнинг янги форма ва методларидан фойдаланиляпти.

Масалан, ўтган йили пахта териш мавсумида машъал механик-ҳайдовчилар КПСС XXIV съезди делегати Абдусаттор Сулаймонов, СССР Олий Советининг депутати Энвер Алиев ва бошқа моҳир пахта усталарининг иш тажрибаси кенг пропаганда қилинди. Натижада бу йил 150—200 тоннадан зиёд «оқ олтин»ни «зангори кема»ларда териб олишга аҳд қилган механик-ҳайдовчиларнинг сони 20 кишидан ошиб кетди. Т. Эрназаров, У. Акбаров, А. Эбасан, М. Бегалиев, С. Пашев, Г. Бегматов каби кўплаб механизаторлар шулар жумласидандир. Улар ўртасида алоҳида социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган. Мавсум давомида икки қаторли машинада 150 тоннадан ошириб пахта терган механизаторга 200 сўм, 150 тонна «оқ олтин»ни «зангори кема» бункеридан ағдарган пешқадамларга 150 сўм, 120 тоннадан ошириб пахта терган механизаторларга эса 100 сўм пул мукофоти берилади. Олти қаторли машинада юқори натижага эришган механик-ҳайдовчиларга ҳам алоҳида вимпел ва мукофотлар берилади.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, Совет халқига Мурожаати ҳамда республикамиз партия ва ҳукуматининг республикамиздаги барча коммунист ва комсомолларга, қишлоқ мутахассисларига ва барча меҳнаткашларига қарата қилган мурожаати хўжалигимиз меҳнаткашларининг дастурамали бўлиб қолмоқда. Совхозимизда бу йил маккажўхори дони, силос бостириш, даала ҳашак жамғариш, сенаж бостириш планлари ошириб бажарилди.

Далаларимизда теримни тез ва сифатли ўтказиш учун кураш кун сайин қизғин тус олмоқда.

Совхозимиздаги 191 нафар коммунист ва кўп сонли комсомол ёшларимиз, барча меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетининг илҳомбахш даъватига жавобан партиямизнинг улуғ анжуманини ёруғ юз билан кутиб олиш ниятида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ҳалима ҒОФУРОВА,
Қўйи Чирчиқ районидаги Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози партия комитетининг секретари, район партия комитетининг бюро аъзоси.

ҒОЯВИЙ ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Марксча-ленинча таълим системасида 1975—76 ўқув йили КПСС XXV съездига тайёргарлик ва съезд даврига тўғри келгани сабабли ўзига хос хусусиятларга эга.

Тошкент область партия комитетининг Сиёсий маориф уйи ана шуни ҳисобга олиб, пропагандист кадрлар билан ишлашда марксча-ленинча назарияни ижодий ўзлаштириш, Ленин назарий меросини, партиянинг энг муҳим ҳужжатларини чуқур ўрганиш масалаларига диққат-эътиборини қаратмоқда.

Сиёсий ўқувни йўлга қўйиш ишларини янада яхшилашда ҳозирги мавжуд партия таълими ўн йил давомида тўплаган тажриба яхши негиз бўла олади. Кейинги йилларда КПСС XXIV съезди кўрсатмаларидан келиб чиқиб, марксча-ленинча таълимни янада такомиллаштириш, унинг коммунистик қурилиш вазифалари билан алоқасини мустаҳкамлаш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Шу боисдан ҳам тўпланган тажрибани ижодий тарзда ўзлаштириш, уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш барча пропагандистлар, идеология ходимларининг диққат эътиборида туриши даркор.

Ривожланган социалистик жамият шароитида партия роли ошиб бориши, коммунистик қурилишга раҳбарлик соҳасида партия фаолиятининг натижалари, КПСС XXIV съездида белгиланган ташқи сиёсий вазифаларнинг амалга оширилиши масалалари, КПСС бўлажак XXV съездининг материаллари ва қарорлари — янги ўқув йилида пропагандист ва тингловчилар диққат-эътиборида ана шу масалалар бўлади. Бу вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан пропагандист кадрларнинг назарий билимлар, ўқитиш ва тарбиялашнинг метод ва воситалари билан қай даражада қуролланганликларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Сиёсий маориф уйи партия таълими системасининг тажрибасига асосланиб, пропагандистлар сўров ва истакларини ҳисобга олиб, янги ўқув йили учун доимий ишлаб турувчи пропагандистлар семинарлари ҳамда пропагандистлар ва тингловчиларга назарий ва методик ёрдам кўрсатишнинг бошқа формаларига оид иш планларини ишлаб чиқди. Пропагандистлар билан ишлашда машғулот ўтказиш методикаси ва мазмунига доир лекциялар, ўқув плани мавзуларига оид машғулотлар, амалий машғулотлар, назарий суҳбатлар ўтказиш каби формалардан кенг фойдаланилади.

Аввалги ўқув йилида бўлгани каби янги ўқув йилида ҳам В. И. Ленин номли музей филиалида «В. И. Ленин биографияси» программасида партия ва комсомол сиёсий ўқуви асосий машғулотлари бўйича пропагандистлар билан машғулотлар ўтказилади.

Сиёсий маориф уйида марксизм-ленинизм асослари мактаби пропагандистлари учун «Марксча-ленинча философия» (тарихий материализм ва диалектик материализм), «Саноат ишлаб чиқариши экономикаси ва бошқарув асослари» (учинчи ўқув йили), «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши экономикаси ва бошқарув асослари» (учинчи ўқув йили) курслари бўйича область семинарлари ўтказилади.

Назарий ва проблема семинарлари раҳбарлари учун қуйидаги йўналишлар бўйича область семинарлари ташкил қилиш мўлжалланади:

— **КПСС тарихи проблемалари бўйича:** «В. И. Ленининг миллий масала бўйича асарлари — КПСС миллий сиёсатининг назарий негизи», «КПСС раҳбарлик ролининг ошиб бориши — коммунистик қурилишнинг қонунияти», «Ҳозирги босқичда партия идеологик фаолияти».

Иқтисодий масалалар бўйича: «КПСС XXIV съезди фан-техника тараққиёти асосида иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тўғрисида», «КПСС XXIV съезди ҳозирги замон капитализми хусусиятлари ва унинг умумий кризиси чуқурлашуви тўғрисида».

Типовой программалар бўйича: «Экономика ва ишлаб чиқаришни бошқариш асослари», (учинчи ўқув йили), «Социалистик жамиятда инженер меҳнати», «Раҳбар фаолияти».

Философия проблемалари бўйича: «Коммунистик тарбия ва таълим масалалари», «Адабиёт ва санъатнинг актуал проблемалари», «Марксча-ленинча философия ва медицина».

Илмий коммунизм проблемалари бўйича: «Илмий коммунизм ва унинг ҳозирги сохталаштирувчилари».

Аввалги йиллардаги каби бу ўқув йилида ҳам ҳафтанинг ҳар душанба куни Тошкент шаҳри **пропагандистлари ва халқаро аҳвол масалалари бўйича лекторлар учун** «Ҳозирги босқичда КПСС ташқи сиёсий фаолияти масалалари» бўйича доимий семинар ишлаб туради.

Марксча-ленинча назарияни чуқур ўрганишда **консультациялар** бериш назарий ва методик ёрдамнинг муҳим формасидир. Янги ўқув йилида шундай группавий консультациялар ўтказилади: «В. И. Ленининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» асари, «В. И. Ленининг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асари ва ҳозирги босқичда жаҳон коммунистик ҳаракатининг стратегия ва тактикаси масалалари», «Ривожланган социалистик жамиятнинг актуал проблемалари», «Илмий билиш методологияси ва логикаси».

Комсомол пропагандистлари учун қуйидаги курслар ва проблемалар бўйича доимий семинарлар ишлаб туради: «Ёшларга партия ҳақида», «Коммунистик ахлоқ асослари», «Ҳуқуқий билимлар асослари», «Ёшлар ва ижтимоий тараққиёт», «КПСС XXIV съезди ҳозирги босқичда иқтисодий сиёсатнинг асосий масалалари тўғрисида», «Ҳозирги босқичда партия ва Совет давлатининг ташқи сиёсий фаолияти ва бошқалар».

Сиёсий маориф уйида бундан буён ҳам коммунистик меҳнат мактаблари пропагандистлари учун назарий ва методик ёрдам кўрсатилади.

Сиёсий маориф уйининг предмет-методика кабинетлари пропагандистлар учун тавсиялар, намунавий ўқув планлари, ишлаб чиқади, якка консультациялар ўтказади.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети сиёсий маориф уйининг методика совети.

ЮТУҚЛАР КЎЗГУСИДА—КОЛЛЕКТИВ МЕҲНАТ

Бирон жойга шошиб турибсиз. Йўлга тикилиб, турнақатор машиналар орасидан яшил чироқ ёнишини излайсиз. Ана, келяпти. Рўпарангизда тўхтади. Бирон важ кўрсатиб, манзилимга элтиб қўймаса-я, деган хавотир аралаш илтимос оҳангида дейсиз:

— Вокзалга олиб бориб қўйинг?

— Марҳамат, ўтиринг.

Қўлингиздаги юкни кўриб, ҳайдовчи дарров машинадан тушади. Хушмуомалалик билан юкни багажникка солади. Манзилга етгач эса, яна ўшандай самимият билан хайрлашади:

— Хайр, яхши етиб олинг.

— Раҳмат...

Сиз бу миннатдорчиликни аллақандай хижолатга ўхшаш ажабсиниш билан айтасиз. Чунки у хушёрлик билан сафарга отланганингизни билиб олган. Адресни эслаб қолишга ҳаракат қилиб, ўриндиқ рўпарасидаги ёзув кўз олдингизга келади: «5-таксопарк. Сизга ҳайдовчи Ғуломов хизмат кўрсатади».

Редакция почтасидаги бу миннатдорчилик мактуби бизни ҳам қувонтириб юборди: газетага таксичилардан кўпроқ шикоят қилиб ёзишади.

Таксопаркка бориб, Ғуломов меҳнат қиладиган 2-автоколонна бошлиғи хонасига кирдик. Деворда қатор фахрий ёрлиқлар ва дипломлар. Булар — коллектив меҳнатининг кўзгуси. Ҳаракат ҳавфсизлиги ойлигида энг яхши кўрсаткичга эришгани учун, маҳорат конкурсида ғолиб чиққани учун дирекциянинг ёрлиқлари, фигурали ҳайдаш бўйича биринчиликни олгани учун Фрунзе район ДОСААФ комитетининг дипломи ва бошқа тақдирномалар...

Таксопаркда 3 та автоколонна ва 1 та устахона ўртасида ўзаро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Якунловчи йилнинг биринчи ярми натижалари бўйича биринчи ўрин 2-автоколонна коллективига берилди. Уларга вимпел ва пул мукофоти топширилди. Шунингдек, колонна ҳайдовчилари КПСС XXV съезди шарафига эълон қилинган 25 зарбдор декадада ҳар қачонгидан ҳам юксак кўрсаткичларни қўлга киритишмоқда. Тўрт декадада биринчи ўринни эгаллашди. Аслида эса, 10 декадада ғолибликка эришиш мажбуриятини олишган. Барча куч ва имкониятлар мана шу мажбуриятни уддалашга қаратилган.

— Бунга эришмоқ эса осон эмас, — дейди таксопарк директори А. Бадзин. — Ҳар куни автоколонна коллективининг пландаги 5 минг ўрнига 5300—5500 сўм топшираётганининг ўзи кифоя қилмайди. Бундан ташқари, мавжуд 170 машинанинг барчасида авариясиз ишлаш, ҳаракат ҳавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузмаслик, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш кабилар талаб қилинади. Коллектив мана шу талабларни аъло даражада бажаряпти.

Дарҳақиқат, улар барча соҳаларда касбдошларидан олдинда боришяпти. Зиммадаги беш йиллик план 10 сентябрда бажарилди. Таксопарк бўйича эса беш йиллик план 20 сентябрда адо этилди.

Турли сана ва байрамларга бағишланган мусобақалар яхши самара беряпти. Жумладан, Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги олдидан Қаҳрамон шаҳарлар шарафига ўтказилган зарбдор декадаларда саккиз марта ғолиб чиқишди. Шунингдек, уруш ветеранлари мусобақасида колоннанинг Ғуломов, Хорозов, Синотов каби ҳайдовчилари фахрли ўринларни эгалладилар.

Ҳозирги кунларда 310 кишининг ярмидан кўпи шахсий беш йиллик топшириғини бажарди. Йигирмадан ортиқ ҳайдовчи 1977 йил ҳисобига меҳнат қиляпти. Тўрахўжаев, Метревели, Иброҳимов, Чибигин, Қосимов, Детанов кабилар кунлик топшириқларни ортиғи билан ўринлатишда, машиналарини техник соз тутишда, йўловчилар миннатдорчилигига сазовор бўлишда пешқадамлик қилишяпти.

— Бундай ютуқларнинг боиси нимада? — сўраймиз автоколонна бошлиғи Рихсивой Алимовдан. Рихсивой ака ўзи 13 йил шоферлик қилган, кейин механик бўлди, саккиз йилдан буён колоннага бошчилик қилиб келяпти.

— Аввало, коллектив ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишда, — дея жавоб беради бошлиқ ўйлаб ўтирмай. — Бизда ҳар бир тартиббузарлик дарҳол умумий йиғилишда муҳокама қилинади. Интизомга хилоф иш тутган ҳайдовчига ҳамкасбларининг ўзлари қаттиқ чора кўришади. Қийналаётган ёшлар бўлса, уларни мураббийларга — тажрибали ҳайдовчиларга бириктириб қўямиз. Албатта, катта коллективда битта-яримта қингир йўлга кирадиганлар ҳам учраб туради. Лекин биз зудлик билан тарбиявий, қонуний чора кўрамиз, агар яна такрорласа, тўғридан-тўғри коллективдан четлаштирамиз.

Коллектив йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш ва ҳаракат ҳавфсизлигида юксак маданиятга эришишни асосий вазифа қилиб олган. Ҳамиша мана шунга интилиш ва бу интилишнинг қувончли самаралари уларга обрў-эътибор келтирмоқда.

Х. ОЛИМЖОНОВ.

Суратда: автоколонна бошлиғи Рихсивой Алимов (ўртада) ҳайдовчилар О. Ниёзов, В. Батаев, В. Васильев ва В. Бородинлар билан суҳбатлашмоқда.

А. Абалян фотоси.

ЗАВОД КЕНГАЙМОҚДА

В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводининг ишлаб чиқариш қуввати яқин келгусида янада ортади. Бу ерда корхонани кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Қурувчилар юқори навли пўлат тайёрланадиган янги корпус биноси пойдеворини тиклашяпти. Суратларда: геодезист М. Малахов ва катта инженер М. Шерматов бош корпус пойдевори сиғимини аниқлашяпти. 50 тонналик минорали кран монтаж қилинмоқда.

В. Сироткин фотолари.

ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

8 октябрь куни Тошкентда очилган Бутуниттифоқ кенгаши шаҳарлараро автомат телефон алоқасини ривожлантиришнинг ва шу телефондан фойдаланишни ташкил қилишнинг асосий йўналишларига бағишланди. Кенгашда иттифоқдош республикалар алоқа министрликларининг ходимлари, РСФСР ўлка, область бошқармаларининг раҳбарлари, илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари, лойиҳаловчилар, инженерлар, конструкторлар ва тармоқнинг бошқа мутахассислари иштирок этдилар.

Кенгашда шаҳарлараро телефон тармоқларини тайёрлаш ва янада автоматлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Мамлакатдаги йирик автомат телефон станцияларининг иш тажрибаси тўғрисидаги докладлар тингланди, бошқа масалалар кўриб чиқилди. Кенгашда алоқанинг ягона автоматлаштирилган системасини вужудга келтиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

Кенгаш ҳузурида янги телефон техникаси кўргазмаси очилди. Кўргазмага шаҳарлараро телефон каналларини ташкил этиш учун ишлатиладиган аппаратлар, турли автомат ўлчаш асбоблари қўйилган. Бу ерда шаҳарлараро автомат телефон алоқасининг ишини яхшилашга кўмаклашувчи ҳар хил қурилмалар ҳам бор.

(ЎзТАГ).

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги Карл Маркс номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Малик Абдураҳмонов пахта йиғим-теримида намунали ишлаб социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Шунинг учун колхоз партия ташкилотининг секретари М. Қосимов колхоз томонидан ажратилган қимматли мукофотни далада унга топшириятпи. И. Зайнуддинов фотоси.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган Оржоникидзе районидаги Байтқўрғон мева сақлаш комбинатининг консерва цехи коллективи якунловчи йил планини ошириб бажарди. 300 минг ўрнига 350 минг банка консерва маҳсулотлари чиқарилди.

Маҳсулотлар юқори сортларга қабул қилиниб, савдо шоҳобчаларига кетма-кет юборилиб турилибди.

Настя Артемова, Машкура Мўминова, Ҳакима Исмоилова каби илғор ишчилар кунлик иш нормаларини ошириб бажаришмоқда.

Цех ишчилари йил охирига қадар яна 50 минг банка консерва тайёрлаш мажбуриятини олишди.

А. ИНОҚОВ.

САРА УРУҒ—ҲОСИЛ БЎЛУҒ

Пахта майдонида меҳнат авжига чиққан. Эрта тонгдан ҳаёт қайнайди. Чевар қизлар, «зангори кема» капитанлари тез ҳаракат қилиб, этак, бункерларни пешмапеш тўлдириб туришибди.

Раиса Розаҳон Отабоева куни билан далада, теримчилар билан бирга.

У бизни илғор теримчи томон бошлади. Ёшгина қиз экан. Икки қўли тўхтовсиз ҳаракат қилади. Дам ўтмай этак-этак оппоқ «оқ олтин»ни хирмонга келтиради.

Ўтган йили бу қизнинг номи теримчилар рўйхатида йўқ эди. Уни ҳеч ким тилга ҳам олмасди. Бу йил эса ўн саккиз ёшли бу қизнинг номи тез-тез жаранглаб эшитиладиган бўлиб қолди. Гулпотун Мамедова 300 дан ортиқ теримчи ўртасида бошланган мусобақада ғолибликни қўлдан бермаяпти. Ҳар куни нормани учтўрт бажаради. Ҳар ўн кунликка топширган пахтаси бошқаларникига нисбатан қарийб 1,5 маротабадан кўпроқ. Мусобақа ғолиби ҳар беш кунлик охирида мукофот олаяпти. Мавсум бошидан бери 6 минг килограммдан ортиқ «оқ олтин» терди. 10 минг килограммчилар сафига қўшилди.

Гулботун Мамедованинг меҳнатига колхоз юксак баҳо берди, «Жигули» машинаси билан мукофотлади.

Отаси Исмоил ака ёзи билан сувчилик қилди. Энди пахта теримида. Қаҳрамон онаси Гулетер ҳам, болаларини боғча-яслига жойлаштириб, далага чиқди.

Ҳар бир теримчи партиямиз XXV съезди шарафига оширилган мажбурият олиб ишлашмоқда. Дилбархон Чахаева, Турсун Қосимова, Гулбаҳор Надимова, Турди Рўзибоева, Шоқир Ниёзова ва бошқа колхозчилар ҳар ўн кунда 2 минг килограммга етказиб пахта теришмоқда.

Раиса ён дафтарини варақлаб, рақамларга кўз югуртиради. Кейин эса Нурилла Тошев, Акбар Юсуповларнинг номини ўқийди. Улар прицепларда кунига 40—50 тоннадан пахта ташишяпти, шу кунга қадар хирмонга элтган пахталари 400 тоннадан ошиб кетди.

Колхозда 16 терим машинаси бор, ҳар бири 5—6 тоннадан пахта термоқда.

Роза Отабоева раҳбарлик қилаётган колхоз Янгийўл районидаги йирик хўжаликлардан. Унинг 13 та пахтачилик бригадаси бор. 1100 гектар ерда уруғлик пахта етиштирилади. Шу туфайли ҳосилнинг кўп қисми қўлда териб топширилмоқда. Колхозчилар «Тошкент-1» навли уруғлик пахта экиб, мўл ҳосил етиштиришди. Ҳар бир бригадада ҳам ҳосилнинг чўғи яхши. Деҳқонлар шуни ҳисобга олиб пландаги 28,5 ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилдилар.

Хўжалик аъзолари суръатни бўшаштирмай, графикдагига нисбатан анча кўп пахта топширмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Умарали Муҳамедов, Пошша Шодиев, Жўра Сафаров ва бошқа бригадаларнинг аъзолари планларини ортиги билан бажариб, мажбурият ҳисобига «оқ олтин» сотишаётир.

Ҳамма бригадада 40 центнерчилик ҳаракати авж олган.

— Биз,— дейди колхоз раиси,—зиммага олган социалистик мажбуриятимизни бажарамиз. Шунинг эвазига даромадимиз камида 343 минг сўмга кўпаяди. Сара уруғ учун топширган пахтамиз ҳисобига ҳам қўшимча ҳақ оламиз. Бу эса колхозчи деҳқонларимизнинг иш ҳақларини қарийб 1,5—2 баробарга кўпайтиради. КПСС XXV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашаётган коллективимиз 4400 тонна пахта топшириб социалистик мажбуриятни муваффақиятли адо этади.

М. ГОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири
Янгийўл райони.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРНИ ҚИШКИ СОВУҚДАН САҚЛАЙЛИК

Узбекистоннинг тупроқ-иқлим шароити мева ва узумдан мўл ҳосил олиш имконини беради. Кўпгина колхоз ва совхозлар боғ ва токзорларни парвариш қилишда агротехника тадбирлари комплексини қўллаб, гектаридан 150—200 центнер ва бундан ҳам кўпроқ мева ҳамда узум олмоқдалар.

Узбекистон шароитида токларни ўз вақтида кўмиш ҳам муҳим агротехника тадбирларидан бири ҳисобланади. Бир қатор хўжаликлар кейинги йилларда узум ва мевадан кам ҳосил олмоқдаларки, бунга токлар ва мевали дарахтларнинг айрим турлари, айниқса донакли мевали дарахтлар қишда совуқдан зарарланаётгани сабаб бўлмоқда.

Колхоз ва совхозларнинг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, республиканинг кўпчилик районларида кўмилмай қолган токлар айниқса қишда қор кам ёққанида ва қаттиқ совуқ бўлганида кўпроқ зарарланади. Қаттиқ совуқдан токларнинг фақат бир йиллик янги новдаларигина эмас, балки кўп йиллик зангари ҳам зарарланади. 1973 йилнинг кузида ва бултур кузда токларни кўммаган хўжаликлар ҳосилнинг анча қисмидан маҳрум бўлдилар.

Тажриба шуни кўрсатдики, Узбекистон шароитида токларни кесишни 20 сентябрдан бошлаб, ҳосили эрта муддатларда етиладиган ток навларини ҳам, кеч етиладиган ток навларини ҳам кўмишни 1 ноябргача тугаллаш зарур. Бир қатор районларда узумдан кам ҳосил олинаётганига токларни декабрь ва ҳатто январь ойигача кўмилаётгани сабаб бўлмоқда. Бу вақтда кўпчилик Ўрта Осиё навлари токларининг куртаклари кеч куз совуғидан зарарланган бўлади.

Ток кесилганидан кейин уни кўмиш қулай бўлиши учун тупнинг навдалари ерга эгиб ётқизилади ва шундан кейин кўмишга киришилади. Машина чала кўмиб кетган жойларга қўл билан қўшимча тупроқ тортиш керак. Ток кўмиладиган вақтгача ёмғир ёғмаса ва тупроқ қуриб қолган бўлса, бундай участкаларни кўмишдан бир неча кун олдин тупроқнинг устки қатламини намлаш мақсадида сугориш лозим. Сугориш фақат кўмишнинг сифатини яхшилабгина қолмай, балки токнинг илдиз системаси қишдан яхши чиқиши учун қулай шароит ҳам вужудга келтиради.

Олиб борилган текширишлар токнинг совуққа чидамлилиги унинг қай даражада ўсганлиги, ёшк, токзорларда амалга оширилган агротехника тадбирлари, қаттиқ совуқ бўлмасдан олдинги йили олинган ҳосил, узумни узиб олиш муддатлари ва ток туплариннг умумий ҳолатига боғлиқлигини кўрсатди. Масалан, узумни узишни кечиктириш ёки ток тупларида ҳаддан ташқари кўп ҳосил бўлиши ўсимлик танасидаги тўқималарнинг қишлашга тайёрланишини, ток тупларининг чиниқишини ёмонлаштиради ва оқибат натижада токларнинг совуққа чидамлилик даражасини камайтиради. Шу туфайли токларнинг қишдан яхши чиқишини таъминлаш ва келгуси йили мўл ҳосил олиш учун уни сифатли қилиб кўмишдан ташқари, кўмиш олдидан кесиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, токзорларнинг тупроғини ўғит солган ҳолда ҳайдаб юмшатиш ва қишда яхоб бериш каби муҳим агротехника тадбирларини ҳам албатта амалга ошириш керак.

Кесиш—токнинг ўсишини, ҳосил беришини бошқаришнинг энг муҳим усулларидан бири ҳисобланади. Кесиш йўли билан ток тупларн иссиқлик ва ёруқдан фойдаланиши учун қулай шароит вужудга келтиради ва бу токнинг устини қоплаб олган баргли қисм интенсив ишлашини, узум бошлари ва доналарининг йирик, маҳсулотнинг товарлик сифати яхши бўлишини таъминлайди.

Тикка қилиб кўтарилган токларнинг ҳосилга кирган туплари кесилганда ҳар бир урғочи шоҳда тўрт-бештадан ҳосил берувчи, икки-тўрттадан ўринбосар новда қолдириш зарур. Тўрт яшар токлар кузда кесилганида ҳар бир урғочи шоҳда қолдириладиган ҳосил берувчи новдалар сони кўпайтирилиб олтитага, ўринбосар новдалар сони тўрттага етказилиши, ҳосил олиш учун қолдириладиган новдалар имкони борича ўринбосар новдалар билан алмаштирилиши керак. Баҳорда ток қуруқлигича кўтарилганида шохлар ва ҳосил берадиган новдалар текис қилиб таралиши лозим.

Шохларнинг ҳаддан ташқари узайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида тупнинг тагида алмаштириш новдалари қолдириш ва улар билан қариб қолган шохларни аста-секин алмаштириб бориш, она шохларни бағазга ердан бир метрдан баланд кўтарилишига йўл қўймаслик даркор.

Ток соябон ёки войиш қилиб кўтарилганида кўп йиллик шохларнинг сони 4—6 тага, уларнинг узунлиги эса икки метрга етиши мумкин. Ҳар бир шохда 10 тагача ҳосил берувчи ва олтитагача ўринбосар новда бўлиши мумкин. Ҳосил берувчи новдалар ўринбосари билан биргаликда шохда қандай таралишига қараб ҳар хил узунликда кесилади. Охирги новда 17—20 бўғин қолдириб узукроқ қилиб, пастки қисмда жойлашган новда 12—15 бўғин қолдириб, ундан пастроқда жойлашган новда 10 та бўғин қолдириб ва энг пастда жойлашган новда эса 5—6 бўғин қолдириб кесилади.

Ток тупларининг юки уларнинг нави, тупроқ-иқлим шароити ва олинадиган маҳсулотдан қандай мақсадда фойдаланилиши — ейилиши, қуритиб майиз қилиниши ёки винога ишлатилишига қараб белгиланади. Гектаридан 200—300 центнер ҳосил олиш учун вино навли токзорларнинг ҳар бир гектарида токлардаги бўғинлар сонини 300—350 мингтага, ейиладиган ва қуритиб майиз қилинадиган маҳаллий нав токзорларнинг ҳар бир гектарида токлардаги бўғинлар сони 400—500 мингтага етказилиши керак. Лалмикор ерларда ток тупларнинг оралиғи 2,5х2 метр ва 2,5х2,5 метр қилиб экилган бўлса ҳар гектар ерда ток тупларидаги бўғинлар сонини 160—260 мингтага етказиш, бордн-ю, ток тупларининг оралиғи 3х3 ва 3х4 метр қилиб экилган бўлса ҳар туп токда 160—200 та бўғин қолдириш зарур. Ток тупларининг юки алоҳида участкалар ва навлар бўйича, участка ичида эса айрим ток тупларининг ўсиш қучига қараб табақалаштириб белгиланади.

Ток кесилиб ва боғланиб ерга ётқизилгач, профилактика мақсадида ва келгуси йили ошиқ касаллиги ҳамда зараркунандалар пайдо бўлишига йўл қўйилмаслик учун зарарланган ток тупларини 5 процентли ИСО ёки 5 процентли карболинем эритмаси билан дорилаш лозим. Агар доғли антракноз касаллиги пайдо бўлганлиги аниқланса зарарланган участкаларни 5 процентли темир кукуни эритмаси (5 килограмм темир кукунини 100 литр сувда эритиб) билан дорилаш тавсия этилади.

Токзорларнинг тупроғини ўғит солиб кузда 50—60 сантиметр чуқурликда юмшатиш токларнинг яхши ўсиши ва ривожланиши, мўл ҳосил қилишга ёрдамлашувчи муҳим агротехника тадбири ҳисобланади. Бунда остки қатламдаги зичлашиб қолган тупроқ юмшайди, тупроқнинг сув-ҳаво режими яхшиланади. Токзорнинг тупроғи кузда юмшатилса унда кўпроқ нам тўпланади ва сақланади, чуқур қатламга солинган ўғитдан токларнинг илдизи яхши баҳраманд бўлади. Натижада ҳосилдорлик 20—40 процент ошади. Минерал ва органик ўғитлар бирга қўшиб солинса, кўпроқ самара беради.

Токлар қишдан яхши чиқиши учун токзорларга қишда яхоб бериш керак. Айниқса бу йил бир қатор районларда сув танқис бўлганлиги сабабли токзорлар сув билан етарли даражада таъминланмаганлигини ҳисобга олганда яхобнинг аҳамияти янада ошади. Яхоб берганда токзорларнинг гектарига 1200 куб метрдан 1500 кубометргача норма билан сув қўйиш ва тупроқни 100—150 сантиметр чуқурликда намлаш керак. Яхоб тупроқда нам тўплаш, келгуси йили токлар нормал ўсиши ва ҳосил беришини таъминлайди. Биринчи суғоришни ноябрь-декабрь ойларида, такрор суғоришни эса эрта баҳорда ўтказиш мумкин. Токлар ниҳоятда чанқаб қолган районларда токзорларни 1—2 марта кўп суғориш лозим.

Токларни баҳорда ўз вақтида очиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар токни очиш кечиктирилса тупроқнинг остида ниш уриб, кўкара бошлаган куртаклар ҳатто эҳтиёт бўлинганида ҳам оммавий равишда тўкилиб кетиши ва натижада ҳосилнинг 20—30 проценти йўқотилиши мумкин.

Узбекистон шароитида қишки совуқдан кўпинча мевали дарахтлар, айниқса донакли мевали дарахтлар зарарланади. Натижада айрим йиллар бу хил мевали дарахтлар бутунлай ҳосил қилмайди. Шу муносабат билан боғларда кузги агротехника тадбирларини амалга ошириш билан бир қаторда, дарахтларнинг танасини ва асосий шохларини албатта куз-қишда оҳак билан оқлаш керак. Оҳак билан оқлаш, энг яхшиси дарахтларга оҳак эритмаси (икки қисм ўчирилмаган оҳак ва бир қисм тупроқ аралашмаси эритмаси) пуркаш уларни офтоб уришидан, куртакларни эса музлашдан сақлайди.

Субтропик экинлар ҳисобланган анжир ва анор ҳам қиш совуғидан зарарланади. Шу сабабли улардан мўл ҳосил олиш учун анжир, анорни қишки совуқдан сақлаш мақсадида кузги агротехника тадбирларини амалга ошириш билан бир қаторда, уларни ўз вақтида кўмиш ҳам зарур. Анжир ва анорни кўмишнинг энг қулай муддати шимолий районларда октябрь ойининг иккинчи ярми, жанубий районларда эса октябрь ойининг охири ва ноябрь ойининг боши ҳисобланади.

Анжир ва анорни ҳам, худди ток сингари, юмшоқ ва бироз нам тупроқ билан кўмиш лозим. Қиш совуқ бўладиган бир қатор районларда анжир ва анор тупларини кўмганда аввал похол ёки қамишга ўраб, сўнг устидан тупроқ тортиш керак. Ўз вақтида ва сифатли парвариш қилинган—озиқлантирилган, суғорилган, кесилган ва шакллантирилган ўсимликлар яхши ўсиши ҳамда ривожланишидан ташқари, ноқулай обҳаво шароитига чидамлироқ ҳам бўлади. Шу туфайли боғ ва токзорларда агротехника тадбирлари комплексининг даражасини кескин ошириш зарур.

М. МИРЗАЕВ,
Ленин орденли Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ю. ДЖАВАКЯНЦ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ГЕНЕТИКЛАР «БАНКИ»

СССР Фанлар Академияси Президиумининг қарорига биноан Ленинграддаги цитология институтида барпо қилинаётган генетик «банк» зиммасига тирик хужайрали мавжудотларни сунъий равишда ўстириш ва сақлаш вазифаси юкланган. Мединклар, биологлар, генетиклар янги илмий марказнинг «мижозлари» бўлиб қолишлар. Улар ўз тадқиқотлари учун ирсий хусусиятлари олдиндан белгиланган хужайраларни буюриб, бу ердан олиб кетишлари мумкин бўлади.

— Вужудга келтирилаётган коллекциянинг муҳим илмий ва амалий аҳамияти бор,— деди цитология институти директорининг ўринбосари медицина фанлари кандидати П. П. Румянцев.— Ҳатто тўла бўлмаган маълумотларга кўра, кишининг бир ярим минг хилдан ошиқ касалликлари ўз организмидаги бирон генетик четлашув билан боғлангандир. Хужайрали мавжудотлар билан ўтказилувчи экспериментлар шу соҳадаги кўп нарсаларни тушинтириб беради.

Неча юз хил штамм генетик «банкка» қўйилган илк «бўлак» бўлиб қолади.

Бундан кейин коллекция цитология институтида ва мамлакатнинг бошқа илмий марказларида яратилган янги намуналар билан тўлдириб борилади.

Ленинград.
(ТАСС мухбири).

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИК

ЧЕТ эл матбуоти ГДР партия-давлат делегациясининг Совет Иттифоқига қилаётган визитини кенг ёритмоқда.

◆ БЕРЛИН. «Нойес Дойчланд» газетаси дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузилганлиги тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа, деб ёзади. «Э. Хонеккер билан Л. И. Брежнев кўл қўйган бу ҳужжатнинг имзоланиши ГДР партия-давлат делегациясининг СССРга қилган визитининг олий чўққиси бўлди, деб ёзади газета. Бу ҳужжат республикамиз билан В. И. Ленин мамлакати ўртасида қардошларча алоқани ривожлантиришда сифат жиҳатидан янада юксакроқ янги даврни бошлаб берди, деб давом этади «Нойес Дойчланд» газетаси. Мана шу тарихий ҳужжат асосида давлатларимиз ўртасида барча соҳалардаги бирлик янада кенг миқёсга эга бўлади.

◆ ВАРШАВА. Польшада чиқадиган газеталар Совет Иттифоқи билан ГДР раҳбарлари ўртасидаги учрашувларга бағишланган хабарларни «СССР билан ГДР ўртасида мустаҳкам иттифоқ», «Қардошлик муносабатлари» деган сарлавҳалар билан босиб чиқарди.

◆ БОННН. «Куни кеча Москвада тузилган шартнома СССР билан ГДР ўртасида қарор топган мустаҳкам дўстлик ва ўзаро кўмаклашишнинг ёрқин далилидир», деб ёзади «Ун3аре цайт» газетаси.

◆ НЬЮ-ЙОРК. СССР билан ГДР ўзаро давлат муносабатларини янги негизда қурдилар. Америкада чиқадиган газеталар ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг имзоланишига шундай баҳо бердилар.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги бу ҳужжатни «муҳим ҳужжат» деб таърифлаб, шартнома Европа хавфсизлигини таъминлашнинг энг асосий шартларидан бири сифатида Европада давлат чегаларини даҳлсиз деб эълон қилганлигини алоҳида уқтириб ўтади. Агентлик томонлар шу принципни шартномага киритиб, бу Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш қарорларига амал қилганликларини таъкидлаб ўтади.

(ТАСС, 8 октябрь).

ЛУИС КОРВАЛАН ОЗОД ҚИЛИНСИН

МЕХИКО. Мексикада Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалан озод қилинсин, деган талабномага имзо йиғиш кампанияси бошланди. Мамлакатнинг Чили билан бирдамлик доимий комитетига кирувчи прогрессив ёшлар ташкилотлари шу кампаниянинг ташаббусчилари бўлиб чиқдилар. Уларнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида жаҳондаги барча прогрессив ва демократик кучларнинг бурчи Чилида диктаторлик режими маҳбуслари билан бирдамлиқни мустаҳкамлаш, унинг жиноий хатти-ҳаракатларини тинмай фош қилиш ва қоралашдан иборатдир, дейилади.

НЬЮ-ЙОРК. Пиночет хунтасининг жазо чораларига қарши бу ерда бўлиб ўтган оммавий норозилик намойиши қатнашчиларининг плакатларида: «Чилидаги ҳамма сиёсий маҳбуслар озод қилинсин!», «Фашистларнинг қонли террори тўхтатилсин!», «Пиночет — қотил!» деган лавҳалар бор эди. Намойиш қатнашчилари ўзларининг одилона талабларини баён қилиш учун Чилининг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси биноси олдига келдилар.

Шундан кейин бўлиб ўтган митингда сўзга чиққанлар БМТга мурожаат этиб, Пиночет режимини мамлакатда демократик ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларни тиклашга мажбур қилиш учун Чилига қарши иқтисодий санкция ўрнатишга даъват қилдилар.

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси берган мақолада генераллар тўдасининг хунта қамоқхоналарида азоб чекаётган Луис Корваланни ва бошқа чилилик ватанпарварларни жисмоний йўқотиш ниятлари ғазаб билан қораланади.

ВЕНА. Чилида фашистик Пиночет хунтасининг икки йиллик ҳукмронлиги натижасида минг-минглаб эркаклар, хотин-қизлар, болалар ўлдирилди. Ҳозир қамоқ лагерлари ва қамоқхоналарда минг-минглаб кишилар чидаб бўлмас шароитларда азоб чекяптилар. Қаршилик курашчилари халқаро федерациясининг бу ерда эълон қилинган баёнотида шу ҳақда гапирилади.

Федерация жаҳондаги прогрессив ва демократик ташкилотларга мурожаат этиб, Чилида озодлик ва мустақиллик учун курашчилар билан бирдамлик кампаниясини кучайтириш ва уларнинг озод этилишига эришишга даъват қилади.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ ВАРШАВА. Поляк қурувчилари шу беш йилликда 300 дан ортиқ йирик саноат корхонаси ва бир миллиондан кўпроқ квартира қуриб бердилар. Қурилишнинг индустриал методларига ўтилганлиги туфайли, улар шундай катта муваффақиятларга эришдилар.

◆ КАТМАНДУ. Бу ерда намойишкорона учиб юрган «ЯК-40» совет самолётига Непал матбуоти юксак баҳо бермоқда. Газеталар самолётнинг юқори учиш сифатларини, пассажирлар учун қулайлигини, маневрчанлигини ҳайд этмоқдалар. «ЯК-40»нинг чоғроқ аэродромларда парвоз қилиши ва қўниши мумкинлиги алоҳида таъкидланмоқда. Непалдаги кўпчилик аэродромларнинг учиш-қўниш майдончалари қисқа бўлганлиги учун «ЯК-40»нинг бу хусусияти ана шу мамлакат учун жуда муҳимдир.

◆ ЛОНДОН. Шимолий Ирландияда бошланган террор тўлқини тўхтамаётир. Англиянинг шу вилоятидаги аҳолиси орасида кўп киши қурбон бўлмоқда. Ўтган душанба куни Ольстерда 13 киши ҳалок бўлди, тинч гражданлардан кўп киши қаттиқ жароҳатланди.

◆ МАНИЛА. Минданао оролидаги Султан Кударат вилоятида рўй берган тошқин натижасида салкам 10 минг киши зарар кўрди. Узоқ вақт ёмғир ёғиши натижасида соҳилдан тошиб кетган Ала дарёси шу вилоятдаги уч қишлоқни сув остида қолдирди, 60 та уйни оқизиб кетди. Экинзорларни сув босди. Филиппин Қизил Крест вакиллари зарар кўрган аҳолига ёрдам бермоқдалар.

(ТАСС, 8 октябрь).



ЯПОНИЯ меҳнаткашларининг ўз иқтисодий ва сиёсий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳар йили ўтказиладиган анъанавий кузги кураш ҳаракати бошланиб кетди. Ишчиларнинг бу йилги чиқишлари жуда мураккаб шароитларда ўтмоқда. Мамлакат чуқур иқтисодий тушкунликни бошдан кечирмоқда. Суратда: Токио меҳнаткашларининг намойиш колоннаси шаҳар кўчаларидан ўтиб бормоқда.

Е. Зацепина фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҒАЗАБ БИЛАН ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг тараққипарвар жамоатчилиги Испанияда ҳукм сураётган террорни ва франкочи режим душманларини жазоладаётган маъмурларни ғазаб билан қораламоқда.

ПРАГА. Чехословакия хотин-қизлар союзининг Марказий Комитети баёнот эълон қилди. Комитет бу баёнотда беш нафар испан антифашистининг қатл этилганлиги муносабати билан ўз ғазаб ва нафратини изҳор этди. ЧССР Касаба союзларининг Марказий Кенгаши франкочи маъмурларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари ва террорини қатъиян қоралади.

ГАВАНА. Кубанинг таниқли ёзувчилари, олимлар ва санъат арбоблари франкочи маъмурлар беш ватанпарварни қатл қилганликларига қарши қатъий норозилик билдирдилар. Николас Гильен, Хуан Маринельо, Хосе Антонио Портуондо, Фернандо ва Алисией Алонсо ва бошқалар имзоланган баёнотда Куба халқи испан ватанпарварлари билан бирдам эканлиги таъкидланади.

СТОКГОЛЬМ. Швеция сўл партияси — коммунистлари Испанияда эркинлик ва демократия учун олиб борилаётган курашни тўла қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Компартия баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, Франко режими инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилишни давом эттирмоқда. Лекин мамлакат ичида ва унинг ташқарисида норозилик тўлқини шундай зўр куч билан ўсмоқдаки, фашист диктатураси кунлари ниҳоясига етай деб қолди.

ДЕҲЛИ. Умумҳиндистон тинчлик ва бирдамлик ташкилотининг баёнотида бундай дейилади: «Испанияда антифашистларнинг қатл этилганлиги — жаҳондаги барча демократик ва ватанпарвар кучларга қилинган дағдағадир. Испан фашистлари мамлакат эркинлиги учун халқ ҳаракатини қонга ботиришни истайди».

ГУЯКИЛЬ. Эквадор Коммунистик партияси франкочи маъмурларнинг жиноятларини қатъиян қораламоқда. Эквадор Коммунистик партиясининг баёнотида: «Бутун дунё жамоатчилиги фикрини назар-писанд қилмай, ўқ ва қилич ёрдами билан ўрнатилган вахшиёна режимга қарши 39 йилдан бери қаҳрамонона қаршилик кўрсатиб келаётган испан халқининг жанговар руҳини ўзида мужжасамлаштирган ёшларни ҳаётидан маҳрум этдилар», дейилади.

(ТАСС, 8 октябрь).

ДЎСТЛИК МИТИНГИ

ПАРИЖ, 8 октябрь. (ТАСС). Париждаги спорт саройида Россиядаги 1905 ва 1917 йил революцияларининг йиллигига бағишлаб, сешанба куни кечқурун Франция ва совет ёшлари дўстлиги митинги бўлиб ўтди.

Франция коммунист ёшлар ҳаракатининг бош секретари Ж. М. Катала Франциянинг илғор ёшлари рус революционерларининг ишини давом эттириб, эксплуатацияни ва ижтимоий тенгсизликни тугатиш учун, янги жамият қуриш йўлини, социализм ва тинчлик йўлини очиб бериш учун курашмоқда деди.

Митингда СССР ёшлар ташкилотлари комитетининг табрикномаси ўқиб берилди.

Митинг охирида унинг иштирокчилари «Потемкин» броненосеци денгизларининг ўчмас шуҳрати тўғрисидаги спектаклни томоша қилдилар. Бу спектаклни машҳур режиссер ва актер Робер Оссейн саҳналаштирди ва у шу кунларда спорт саройи саҳнасида намойиш қилинмоқда.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЯНГИ КОНСЕРВАЛАР

Тошкент консерва заводининг ўттиз хилдан ортиқ сабзавот ва мева консервалари, турли шарбат ва салатлари, Иттифоқимизнинг 80 дан ортиқ шаҳарларига юборилмоқда.

Узоқ Шимол балиқчилари, ишчи ва қурувчиларига консерва заводининг «Янгилик» салати айниқса хуш келиб қолди. Уларга шу салатдан 30 минг банка жўнатилди. Бундай маҳсулотлар Урал, Сибирь аҳолисига ҳам юборилиб турипти. Болалар учун тайёрланган олма пюреси ва шарбати ҳам бир қатор шаҳарларга юборилди.

БУЮК КОМПОЗИТОР ХОТИРАСИГА

Республика Давлат симфоник оркестри ўзининг янги мавсумини Ленин мукофоти лауреати Д. Шостаковичнинг ўлмас асарларини ижро этиш билан бошлади. Ажойиб симфоник қуйлар янграётган бу концертлар композитор хотирасига бағишланган.

Димитрий Шостакович асарларининг энг моҳир ижрочиси таниқли созанда Давид Ойстрах эди. Унинг ўғли РСФСРда хизмат кўрсатган артист Игорь Ойстрах ҳам ота йўлидан бориб, уста созанда бўлиб етишди. У бир неча кун давомида ўз санъати билан музика ихлосмандларини хушнуд этди. Яқинда симфоник оркестр составига Тошкент давлат консерваториясини битирган бир группа ёш созандалар келиб қўшилди. Тез орада улар орасидан ҳам истеъдодли симфоник музика усталари етишиб чиқса ажаб эмас.

ҲАВАСКОРЛАР ДАЛАДА

Шу кунларда Чиноз район маданият уйи қошидаги «Гулдаста» бадиий ҳаваскорлик коллективи дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, уларга концерт қўйиб бермоқда.

Ҳушовоз хонандалар Х. Қаҳрамонова, Х. Хожимонов, К. Шаропова ва бошқалар жозибали қўшиқлари билан томошабинларни хушнуд этишмоқда. Ансамбль шу пайтгача Карл Маркс, Охунбобоев номли, «Партия XXIV съезди» ва «Янгиобод» совхозларида концерт берди.

ЦИРК ЧИРОҚЛАРИ ЯНА ПОРЛАДИ

Тошкент цирки ўз мавсумини Москва цирки артистлари гастроли билан бошлади. Москва цирки программаси ранг-баранг бўлиб, томошабинлар эътиборини жалб этмоқда. Суратларда: (чапдан ўнгга) Айиқ ўргатувчи А. Киричков ўзи ўргатган айиқ билан, Ванг-Шу Мань шарқ ўйинларини ижро этмоқда, артистка Л. Кеминова ўз санъатини намойиш қилмоқда ва дорбозлар.

А. Абалян фотолари.

САНЪАТ ВА МЕҲНАТ ҲАМКОРЛИГИ

Ленин ва Меҳнат Қизил Байрон орденли Чирчиқ электрохимия комбинати коллективида ҳаётида ажойиб бир воқеа содир бўлди. Уларнинг кўп минглик оиласига Максим Горький номидаги Давлат Академик рус драма театри коллективининг барчаси тўла ҳуқуқли аъзолари қилиб қабул этилди. Бу театр филиали Москва шаҳри театрлари, Москва саноат корхоналарининг маданият уйи ва саройлари, Москва олди колхоз ва совхозларидаги томошалари давоми сифатида Чирчиқда, химиклар маданият саройи саҳнасида 41-мавсумини бошлади.

Тошкент театрлари завод ва қурилиш меҳнаткашлари билан, пахтакорлар билан азалдан мустаҳкам алоқа боғлаб келмоқдалар. Оталиқ ёрдамни кўрсатмоқдалар. Актёрлар доимий равишда цехларда, қурилиш майдонларида, далашийпонларида чиқишлар уюштиришади. Ўз навбатида ишчи ва колхозчилар ҳам тез-тез кўпгина ижодий коллективлар меҳмони бўлиб туришади. Бироқ Максим Горький номли театр филиалининг катта саноат марказида ташкил этилиши бутунлай янги воқеадир. Ижодий ва саноат коллективлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бу янги усули оталиқ қилган ва оталикка олинганлар алоқасини мустаҳкамлабгина қолмай, ҳар иккала томон учун ҳам катта фойда келтиради. Театр саноат даргоҳига қадам қўяр экан, унинг ўз қатъий талаби бор: катта саноат шаҳри воқеалари орасида бўлиш; одамлар ҳаёти билан яқиндан танишиш ва бевосита иштирок этиш. Чунки бу ҳол ҳақиқий саҳна образларини яратишда катта роль ўйнайди.

Максим Горький номли театр ва электрохимия комбинати коллективлари томонидан имзо чекилган шартномада ҳамкорликнинг барча соҳалари қамраб олинган. Бир ойда икки маротаба спектакл қўйиш, артистларнинг ўз ижодий ҳисоботлари билан чиқишини бевосита цехларда уюштириш. Театр куни ўтказиш, театр ишлари бўйича томошабинлар конференциясини ташкил этиш шулар жумласидандир. Шунингдек, КПСС XXV съезди шарафига тайёрланаётган «Мукофот» спектакли муҳокамасини ҳам ўтказиш мўлжалланган. Ўз навбатида комбинат ишчилари ва химиклар маданият уйи вакилларидан иборат театрнинг жамоат дирекциясини ташкил этишди. Жамоат дирекцияси вакиллари бадиий совет ишларида қатнашади.

Бу ҳақда мана шу Чирчиқ шаҳрида Максим Горький номли театр филиалининг тантанали очилишида ҳам айтиб ўтилди. Тантанали очилишда электрохимия комбинати ишчи ва хизматчилари, шаҳарнинг бошқа корхона вакиллари, Тошкентдан борган санъат арбоблари иштирок этишди. Тошкент область партия комитети секретари А. М. Хўжаев, Чирчиқ шаҳар партия комитети секретари Н. К. Савченко, электрохимия комбинати партия комитети секретари Ю. Соболь, Украина ССРда хизмат кўрсатган артист, театрнинг бош режиссери В. М. Стрижов, Ўзбекистон театр жамияти Президиуми раиси ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Р. М. Қориев ва бошқа ўртоқлар чирчиқликларни янги ижодий ҳамкорлик билан табрикладилар. Электрохимия комбинати вакиллари химиклар маданият уйи саҳнасининг рамзий калитини театр коллективига тантанали равишда топширишди.

Ярим тунга қадар Чирчиқ шаҳрида катта санъат байрами давом этди. Меҳнаткашлар ва санъаткорлар ўртасидаги бу байрам бундан кейин ҳамиша давом этаверади.

Ю. СТЕПАНОВ.

Спорт

«МЕҲНАТ» КОМАНДАСИ МИНСККА БОРАДИ

Сув полосидан Тошкентда ўтган Бутуниттифоқ чемпионатининг биринчи давра мусобақалари тугади. Мусобақаларнинг охирги куни кучли олтиликка кирувчи командалар аниқланди. Медаллар учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритишга даъвогар бўлиб турган командалар ўртасидаги учрашув қизиқарли ўтди. Лекин тошкентлик сув полоси ишқибозлари олдида «Меҳнат» командамиз ўзини кўрсата олмади. Львов динамочилари билан бўлган учрашувда меҳмонлар 6:4 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Натижада ҳамшаҳаримиз турнир жадвалида 8 очко билан еттинчи ўринда қолдилар. Энди улар 7—12 ўринлар учун бўладиган мусобақаларда қатнашадилар. Бу турнир 31 октябрдан 5 ноябргача Минск шаҳрида ўтказилади. Кучлилар эса Москвада беллашадилар.

Тошкент турнирида сўнгги кун бўлган учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: «Динамо» (Тбилиси) — «Спартак» (Волгоград) — 4:2, МГУ — «Динамо» (Олмаота) — 7:6, «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Москва) — 4:4, «Буревестник» (Минск) — «Балтика» (Ленинград) — 7:6, Ҳарбий Денгиз Флоти марказий спорт клуби — ККФ (Боку) —5:4.

ЖАҲОН КУБОГИ УЧУН

Спорт гимнастикасидан энг кучли ўн совет мастери шу ой охирида Лондонда бўладиган жаҳон шахсий чемпионатида қатнашади. Бундай мусобақа биринчи марта ўтказилмоқда. У «жаҳон кубоги» расмий номини олган. Англия пойтахтига бориб маҳоратини намойиш қилувчилар орасида олимпиада чемпионлари Людмила Туришчева, Ольга Корбут, Эльвира Саъдий жаҳон чемпиони Нина Дронова, эркаклардан олимпия чемпиони Николай Андрианов каби машҳур гимнастикачилар бор.

ЧЕМПИОН ҒАЛАБАСИ

Хоккейдан мамлакат чемпионатида москвалик армиячилар ленинградлик клубдошлари билан учрашиб, аввалги мағлубият аламини олдилар. Ҳисоб 6:4. Бу ғалабадан сўнг ЦСКА командаси 17 очко тўплаб пешқадам бўлиб олди. Москва динамочиларида ҳам шунча очко бор. Лекин шайбалар нисбатига кўра улар армиячилардан кейинги иккинчи поғонада туришибди.



Суратда: Ўзбекистон россомлар союзи кўргазмалар зали.

А. Абалян фотоси.

БИР ЖИНОЯТ ИЗИДАН

КАЛАВАНИНГ УЧИНИ ҚИДИРИБ...

Мана бир ҳафтадирки район жиноят қидирув бўлими ходимларининг тинимсиз меҳнатлари натижа бермаяпти. Калаванинг учи топилмаяпти. Суд экспертиза хулосаси ҳам бирор ашёвий далил топиб беролмади. Бунинг устига мурдани ахтариб бирон киши милицияга мурожаат ҳам қилмади.

— Сувдан чиққан ким экан? Жиноят қидирув бўлими ходимларини ўйлантирган биринчи жумбоқ ана шу эди. Агар бу масала равшанлашса, калаванинг учи топилган бўларди.

— Ўртоқ капитан, бошқармадан қўнғироқ қилишди, зудлик билан борар экансиз,—деди навбатчи эшикдан кириб келган жиноят қидирув бўлими бошлиғи Т. Муҳаммаджоновга. Капитан кабинетга ҳам кирмай, бошқармага йўл олди. Бошлиқ ҳой-наҳой шу операция юзасидан чақиртирган, кўнглидан ўтказди у. Бир ҳафта ҳам ўтиб қолди, лекин бирор иш чиқмади, нима деб жавоб бераман... Тиним билмаган киприклар аста юмилди.

— Ўртоқ капитан етиб келдик. Турсунбой машина тўхтатганини сезмаган эди. У шоферга бироз кулимсиради-да, кутиб туришни айтиб ичкарига кириб кетди.

— Ўртоқ полковник рухсат этинг!

Мухиддин Иногомов саломлашиб жой кўрсатар экан Муҳаммаджонов ўйлагандек ўша операция ҳақида сўз очди.

— Сизни қониқтирадиган бирор маълумот олиб келолмадим.

— Мен эса сизга калаванинг учини топиб қўйганга ўхшайман, қани уни бир ечиб кўрингчи...

Турсунбой гапнинг давомини кутарди. Полковник аста ўрнидан туриб темир сандиқдан кўкиш ранг папкани олди-да, уни капитан олдига қўйди.

— Рихсиев Тўхтамурод деган шахс дастлабки сўроқдаёқ қотиллигини бўйнига олди. Шеригини айтиб берди. Мана дастлабки сўроқ билан танишиб чиқиб, ишни давом эттиринг.

Капитан бошлиқ ҳонасидан бироз енгиллашгандек бўлиб чиқди. У дарҳол оператив ходимларни йиғди. Тўхтамурод Рихсиев ва Акбар Исмоиловларга оид барча маълумотларни тўплашни буюрди.

...Икки дўст Тўхтамурод билан Акбар ҳали ёш. Биринчиси 18 да бўлса бошқаси ундан бир ёш катта холос. Тўппа тузук ишлаб юрган Тўхтамурод Акбарга қўшилди-ю, айниди қолди. Акбар эса саёқ юришни, ўғрилик эвазига «қун кўриш»ни одат қилиб олганди. У «ҳамкасби» Вали Ҳамидовни ёмон кўрарди. Кўргани кўзи йўқ эди. Шунинг учун ундан ўч олиш режасини тузиб юрарди.

Кунларнинг бирида уччовлашиб ўлкага чиқишди. Ташгрэс яқинида, Х. Биков уйи олдида Тўхтамурод билан Акбар Вали Ҳамидовни пичоқлашиб ўлдиришди. Жиноят изини йўқотиш мақсадида мурдани сувга ташлаб юборишади.

Акбар Исмоилов қамоққа олинганлигини эшитган Тўхтамурод саросимага тушиб қолди. У «бугун эрта мени ҳам олиб кетишади» деган таҳлика билан яшайбошлади. Орадан кунлар ўтиши билан унинг ранги сариғаяр, ич-ичидан эзилар, бироқ милицияга бориб айбига иқрор бўлишга, «мен қотил»нинг шеригиман дейишга журъат этолмасди. Бўёғи у Акбар қотиллиги учун эмас, балки ўғрилиги учун қамалганлигини билмасди...

Тўхтамурод биринчи сўроқдаёқ ҳамма қилмишини айтиб берди. Масала равшан. Ташгрэсда топилган мурда қотиллари Акбар Исмоилов билан Тўхтамурод Рихсиев экан.

Хўш. Калинин районидаги «Москва» совхози территориясидаги сувда топилган мурданинг қотили ким? Бу сўроқ ҳамон жавобсиз қолмоқда.

Мурдани таниб бўлмас, унинг бир неча еридан сим билан бойланган, баданлари кўйган. Трасалогик экспертиза ҳам бирор далил тополмади. Аҳлидрокни ишга солиб иш кўриш керак. Қидирув эълон қилинган шахсларнинг расмлари билан мурда солиштириб кўрилди. Яқинда аҳлоқ тузатиш колониясидан қочган Шариф Икромовни билганлар мурданинг аллақандай белгилари унга ўхшашлигини айтишди. Ш. Икромов делоси кўтарилди. Оилага бефарқ, ичкиликка ружу қўйган майда безорилиги учун маҳалла аҳли олдида бир неча бор танбех еган, охирида беш боласи билан оиласини ташлаб, бошқа аёлга уйланган шахс милиция ходимлари олдида гавдаланди.

«Октябрь» массивидаги Хондамир кўча 11-уйда истиқомат қилувчи Ш. Икромов оиласидан сўралганда улар отамиз уйга келгани йўқ, биз кўрганимиз йўқ дейишди. Қўни кўшнилар эса бошқачароқ маълумот беришди. Бу оператив группа ходимлари ишини янада чигаллаштирди. Аллаким Шариф Икромовни кўрган кунини аниқ айтиб берди. Бу 4 май, жиноят содир бўлган кун эди.

Шариф Икромовнинг катта ўғли Шавкат билан онаси Заноҳиднинг сўроқ пайтидаги ҳатти-ҳаракатлари, савол-жавоблари, жиноят қидирув бўлими ходимларини шубҳалантирди. Наҳотки қотил... ўғил билан бир неча йил бирга ҳаёт кечирган умр йўлдоши бўлиб чиқса..?

Сўроқ пайтида ҳамма нарса ойдинлашди. Шу куни яъни жиноят содир бўлган куни Ш. Икромов ахлоқ тузатиш колониясидан қочиб уйга келган ва хотини билан ўғлидан пул талаб қилган. Ўртада жанжал чиққан. Муштумзўр фарзанд отани ўлдириб, нима қилишни билмай, турганда она «иложини» қилади. Қотил она-бола мурдани ҳовлига олиб чиқиб, устидан керосин қуйиб, ёқиб юборишади. Аммо кўни-қўшиларнинг мудҳиш жиноятдан воқиф бўлиб қолишларидан чўчиб, тезда ўчиришади-да мурдани полосга ўраб «Москва» совхози территориясига олиб бориб ташлашган...

Бир жиноят изидан бориб уни очиш жараёнида иккинчи бир жиноят сирларини тошган область ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими милиция полковниги М. Иногамов Калинин район жиноят қидирув бўлими бошлиғи, милиция капитани Т. Муҳаммаджонов, унинг ўринбосари, милиция старший лейтенанти А. Абдураҳмонов, милиция лейтенанти С. Гоипов, Оржоникидзе район жиноят қидирув бўлими инспектори М. Сайдаҳмедовлар комиссар миннатдорчилигига сазовор бўлдилар. Улар мукофотга тақдим этилдилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитети «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» БАЗАСИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН **158-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ** 1975—76 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

Ўқувчилар қабул қилади

БИЛИМ ЮРТИ — ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН МАЛАКАЛИ СУВОҚЧИЛАР, БУЁҚЧИЛАР, ПАРДОЗЛОВЧИ-ПЛИТКАЧИЛАР, ПАРКЕТЧИЛАР, ПАРДОЗЛОВЧИ-ПЛИТКАЧИ-МОЗАИКАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ВА 2 ЙИЛ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҲИСОБЛАНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчилар шаҳарга прописка қилинадилар ва Тошкент шаҳрида иш билан таъминланадилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал овқат, кийим-бош билан таъминланадилар ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процента берилади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли) ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиги тўғрисидаги справка, мактабдан характеристика, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 6 дона 3х4 см. катталикдаги фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР — ҲАР КУНИ ЭРТАЛАБ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртн адреси: Октябрь район, Халқлар дўстлиги проспекти, Қибрай проезди 54 уй, (14, 38, 48, 70, 71-автобуслар, 2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «1-туғруқхона» бекати).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.20 — **Тошкент — Олмаота мусобақаси.** 18.50 — **«Ахборот».** 19.05 — Дугоналаримиз ҳаётидан. 19.35 — Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 20.35 — **«Ахборот».** 20.55 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 21.15 — Пахтакорлар, сиз учун 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Қора нарвон** (3-қисм). 23.45 — Ҳужжатли фильм. 24.00 — **Хоккей: «Динамо»** (Москва) — **«Химик». ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.25 — ТОШКЕНТ. 10.30 — Ўқув кўрсатувлари. 12.00 — **Менинг дадам капитан** (бадиий фильм). 17.45— МОСКВА. 18.15 — Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — 1975 йил қўшиқлари. 20.15 — Телефильм. 21.20 — Кичик концерт. 21.35 — Акробатика бўйича СССР чемпионати. 22.00 — Инсон ва қонун. 22.30 — Фильм-концерт. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. ТОН» (кундуз ва кечқурун).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10]Х да **Кўрмайин босдим тиконни.** 11]Х да **Ой тутилган тунда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10]Х да **Тошболта ошиқ.** 11]Х да **Навоий Астрободда.**

ШАПИТО ЦИРКИДА — **Москва цирки артистларининг гастролларн** (19.00).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Оддий муҳаббат — САНЪАТ САРОЙИ. «ЧАЙКА», «ВОСТОК». «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги ўқ, Қопқон — «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Флангсиз фронт — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р—01764. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26 Индекс 64634. Б—3448.